



ШАЙХОНТОХУР ТУМАНИ: ТАРАҚҚИЁТ ВА ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА



МАҲАЛЛА — ЭЗГУЛИК БЕШИГИ

Халқимизда азал-азалдан «Маҳалла — Ватан ичра кичик бир Ватан», «Отанг — маҳалла, онанг — маҳалла» деган пурҳикматлар бежизга айтилмаган.

Дарҳақиқат, маҳалла тарбия ўчоги, эзгулик бешиги. Унда ёшлар одор-ахлоқ, таълим-тарбия, миллий анъана ва урф-одатларимиз руҳида камол топадилар. Каттага ҳурмат, кичикка иззат, ота-онага эътибор кўрсатиш, кексани суғиш, кўмакка муҳтожларга беминнат ёрдам қўлини чўзишдек савобли юмушни баҳаришни ўрганадилар. Тумандаги 49 та маҳаллада ҳам бу борада ибратли ишлар амалга оширилмоқда десак муболага бўлмайди.

— «Обод турмуш йили»нинг ўтган ярим йилида аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида режадаги ишлар амалга оширилди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Шайхонтохур тумани бўлини раиси Розик Қурбонов. — Жумладан, «Намунавий маҳалла» лойиҳасига киритилган «Янги Белтепа» маҳалласида 85 та йўлаклар қайта таъмирланди, шунингдек, 28 та кўп қаватли уйлarning муҳандислик тармоқлари янгиланиб, 6780 квадрат метр томларда таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 8 та лифт жорий таъмирланиб, 100 тадан ортиқ кириш йўлакларига ўриндиқлар ўрнатилди, 12,00 квадрат метр йўллар асфальт қилинди.

Маҳаллалардаги 35 та болалар майдончалари жорий таъмирдан чиқарилиб, «Янги Белтепа» маҳалласи аҳолиси учун

2 та, «Шодлик маҳалласида» 4 та болалар майдончаси қуриб битказилди. Хозирги кунда «Намунавий маҳалла» лойиҳасига киритилган «Чақар», «Қоратоп» ва «Чорсу» маҳаллаларида ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Бири-бирдан шинам, кўркам, ораста маҳаллаларни айланар эканмиз «Хувайдо» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Фотиҳ Асқаров фикрлари эътиборимизни тортди. — Маҳаллага кўрсатилаётган эътибор барчамиздан кўнгли билан ишлаш, вазифамизга масъулият билан ёндашишни талаб этади. — Хар бир соҳада олиб борилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш, ёшларни жисмонан соғлом, одоб-ахлоқли қилиб тарбиялашга ҳисса қўшишга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Чунки бугун бошлаган барча хайрли ишларни ёшларимиз давом эттирадилар. Уларга ёшликдан тўғри тарбия берсаккина ўйлаган мақсадимизга етамиз. Обод ва озод Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши учун хизмат қилишга ҳамиша шаймиз.

«Янги ният — ярим давлат» дейдилар. Саранжом-сарништалик бор жойга байрамлар ярашади. Обод ва кўркам, намунали маҳаллалар сони янада кўпайсин, деб қоламиз.

Ёшлар бошлаган хайрли ишларимиз, порлоқ келажагимиз бунёдкорлари, умид юлдузларимиз. Мустақил юртимизда уларнинг униб-ўсишлари, таълим-тарбия олишлари, жисмонан ва руҳан баркамол бўлиб вояга етишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Шайхонтохур туманида ҳам бу борада катта саъй-ҳаракатлар олиб боришмоқда. Хусусан туманда жойлашган «Белтепа» болалар спорт мактаб-интернати, 15-18-спорт мактаблари, «Жаҳонгир ҳожи ота» болалар майдончалари, Хадра, Ипакчи спорт теннис клублари, «Жар» спорт-соғломлаштириш мактаби, Ибн Сино мини футбол майдончаси каби бир қатор спорт-соғломлаштириш мажмуалари уларга туну кун беминнат хизмат кўрсатмоқда.

— «Обод турмуш йили» Давлат дастури асосида туманда бир қатор амалий ишлар олиб боришмоқда, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали бош мутахассиси, туман вакили Шерзод Зиёматов. — Хусусан, «Хар бир фарзандга меҳр-эътибор» шиори остида спортнинг шахмат, шашка, стол тенниси, аркон тортиш, армрестлинг, баскетбол тўпини саватга ташлаш каби турлари бўйича қатор мусобақалар ташкил этилди. «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг 5-7-синф

ўқувчи-ёшлари орасидаги спортнинг 12 тури бўйича ўтказилган беллашувлар ҳам барчага кўтаринки

СОҒЛОМ АВЛОД — ЮРТ ТАЯНЧИ

кайфият бағишлаб, фахрли ўринларни қўлга киритишларида муҳим омили бўлди. Бундан ташқари «Отан, онам ва мен — спортчилар оиласи», «Ез — 2013» каби дастур асосида ўтказиб келинаётган мусобақа, қизиқарли футбол ўйинлари ёшларимизнинг спорт билан мунтазам ошно бўлишларига хизмат қилмоқда.

Биз масъулият чекланган жамият шаклида фаолият юритаётган «Ипакчи — спорт» теннис клубига кириб келар эканмиз ёз гаштини суриб сув ҳавзасида маза қилиб чўмилётган, шодон қийқириқлари



КЕЛАЖАГИМИЗ — ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

Хусусан, узлуксиз таълимнинг ўзбек модели сифатида эътироф этилган «Таълим тўғрисида»-ги қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумий миллий дастури асосидаги ягона таълим комплекси ёш авлодга таълим бериш жараёнининг барча бўғинларини қамраб олди. Туманда жойлашган барча 88 та таълим муассасаларида таълим-тарбия тизимини сифат жиҳатдан бутунлай янги босқичга кўтариш каби хайрли ният билан салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

— Таълим самарадорлигини ошириш ва замонавий технологиялардан фойдаланиб дарс беришни такомиллаштириш мақсадида «Долзарб ўн кунлик», «Очк дорслар фестивали», «Фан ойлиги» фестиваллари, «Устоз-шогирд» мактаби фаолиятини мунтазам йўлга қўйганмиз, — дейди туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири ўринбосари Ҳ. Раҳимов. — Устоз-мураббийларнинг малакасини ошириш, ўзаро тажриба алмашишларига шароит яратиш ҳам доимий эътиборда. Республика миқёсида ўтказиладиган турли танлов, тадбир, олимпиада ва мусобақаларда мунтазам қатнашиб совринли ўринларни эгаллаб келаётганимиз ҳам фикримиз далилидир.

Биз тумандаги шинам, гулу гулзори яшнаб турган 20-умумий ўрта таълим мактабига кириб келганимизда ёш авлодга яратилган қулайликлардан кўнглимиз тўлди. Ушбу билим маскани «2004 — 2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумий миллий дастури» асосида 2008 йилда капитал реконструк-

ция қилинган бўлиб, бугунги кунда янги ўқув йилига жорий таъмирлаш ишлари олиб борилаётган экан. Тўлиқ таъмирдан чиқарилган таълим масканида ўқувчиларнинг замон талаблари асосида билим олишлари учун барча шароитлар яратилган.

— Болажонларимиз учун тиббий билимларини оширишга қаратилган саломатлик бурчаги, турли фан ва спорт тўғрақлари, компьютер, лингафон хоналаридаги машғулотлар уларнинг билим-кўникмаларини оширишга хизмат қилмоқда, — дейди 20-мактаб директори Шаҳноза Қосимова. — Бундан ташқари, «Билимлар беллашуви», «Ораста қизлар», «Моҳир кўлар» каби қатор кўрик-танловлар янги-янги иқтидорли ёшларни кашф этишга имкон яратмоқда. Матлуба Маматова, Мукаррам Шукророва, Юлдузхон Мавлонова сингари жонқуяр, ўз касбининг фидойиси бўлган устозлар саъй-ҳаракати билан мактаб туманда етакчи ўринга чиқиб, ўқувчилар турли фан олимпиадалари, кўрик-танловларда юқори ўринларни эгаллаб келмоқдалар. Биз тумандаги 42-мактаб директори Тамара Назарова, 141-мактаб директори Абдумалик Хожиназаровлар билан ҳам суҳбатда бўлиб, айни кунлардаги қизгин иш жараёни билан яқиндан танишиб, келажақ эгаларининг эртаси ишончли қўлларда эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Шу билан бирга озода, саранжом-сарништа, янги мебеллар, синф парталари каби жиҳозлар билан янгидан чироқ очган мактаб ҳовлисига қадам қўйган жажжи болажонларнинг шодлигига шерик бўлиш ният қилдик.

билан бутун атрофга шодлик улашаётган болажонлар қувончига шерик бўлдик.

— Клубимиз 2011 йилда иш фаолиятини спортнинг футбол, катта-кичик теннис тўғрақлари очилгани ҳолда бошлади, — дейди клуб раҳбари Рустам Тўрасонов. — Аввало худудимиздаги «Ипакчи» маҳалласи ёшлари учун беминнат, бепул хизмат кўрсатамиз. Машғулотларимизда кунига камда 30-35 дан ортиқ болажонлар қатнашади. Қолаверса, бутун шаҳримизнинг барча туманларидан теннисга қизиққан, астойдил шуғулланишга интилган ёшлар келиб, мураббийларимиз қўлида қатъий шуғулланишади.

— Теннис билан шуғулланиш учун иқтидор, сабр-тоқат, қатъий интизом керак, — дейди шу соҳанинг билимдони, 30 йилдан ортиқ иш тажрибасига эга бўлган мураббий Александр Ларионов. — Олтига гуруҳда иш олиб бораётган бўлсак, ушбу спорт турига кундан-кунга қизиқиш ошиб бораётганининг гувоҳимиз.

Бугунги кун ёшлари ғайратли, олов қалбли. Уларга яратилган шарт-шароитлар балки уларни руҳлантириб, шунга ундар. Ахир бундай эътибор, ғамхўрлик қайда эди. Уларга ҳавас қилиш, шунга муносиб бўлишга ундаш бизнинг асосий иш фаолиятимиз мезони бўлиши керак.

Саҳифа материалларини Шоира МУҲАМЕДОВА тайёрлаган
Ислом Исмоилов олган суратлар

Қонун кучга кирди

ТАДБИРКОРЛАР МАНФААТИ ЙЎЛИДА

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда божхона назорати ва расмийлаштируви жараёнларини такомиллаштириш, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун имтиёз ва қулайликлар яратиш борасида бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жорий йил 30 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексига ҳам айрим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Божхона кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти, тадбиркорликни ривожлантиришдаги аҳамияти ҳақида «Тошкент-Аэро» иқтисослаштирилган божхона комплексининг Божхона статистикаси ва таҳлил бўлими бошлиғи, божхона хизмати капитани Алимардон Мадумаров Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мухбирига қуйидагиларни гапириб берди:

— Янги қонунга кўра, Божхона кодексининг 11 моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. «Декларация шакллари» деб номланган 90-моддада декларация ёзма, электрон ва оғзаки шаклда бўлиши белгиланган бўлиб, Аввалги кодексда декларациялаш жараёни товарлар ва транспорт воситалари, улар жойлаштирилаётган божхона режимлари ҳақидаги аниқ маълумотларни белгиланган шаклда баён этиш орқали амалга оширилиши кўрсатилган, аммо декларация айнаан қайси шаклда тўлдирилиши ва тақдим этилиши аниқ белгиланмаган эди. Янги қонун айнаан ана шундай ноаниқликни бартараф этиш баробарида декларацияни электрон ва оғзаки шаклда тузиш ҳамда божхона постига жўнатиш учун ҳам ҳуқуқий асос яратди.

Божхона органларида электрон декларациялаш тизимининг жорий этилиши, айниқса, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун қўшимча қулайликлар яратди. Божхона декларациясини расмийлаштириш учун интернет тармоғи орқали электрон шаклда божхона постларига юборилиши, ўз навбатида, ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларининг вақтини ва маблағини тежайди. Бир сўз билан айтганда, декларацияларни электрон тарзда тақдим этиш механизмининг амалиётда қўлланилиши божхона органлари фаолиятини жаҳон андозалари даражасига кўтариш баробарида ҳужжатларни расмийлаштиришни янада соддалаштиради. Бу усул узлуксиз ишлаб чиқариш жараёнига эга бўлган йирик корхоналар учун, айниқса, муҳим аҳамиятга эга.

Божхона органларида янги тартибни қўллаш учун барча имконият ва шароитлар яратилган. Хусусан, Давлат божхона қўмитасининг ягона автоматлаштирилган ахборот тизими мавжуд бўлиб, мамлакатимиздаги барча ташқи иқтисодий фаолият ва чегара-божхона постлари ушбу тизимга уланган. Давлат божхона қўмитасида ўрнатилган сервер ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари томонидан интернет орқали юборилган маълумотларни қабул қилиш билан бирга, уларнинг ахборот хавфсизлигини ҳам таъминлайди.

Илгари «Дастлабки божхона декларацияси» деб номланган 96-модда ўз моҳиятидан келиб чиққан ҳолда «Муваққат ва тўлиқ бўлмаган божхона декларацияси» номи остида янги тахрирда баён этилди. Унга кўра, турли сабаблар туфайли декларант батафсил божхона декларациясини тақдим эта олмаса, муваққат ёки тўлиқ бўлмаган божхона декларациясини тақдим этиши мумкин. Ушбу декларацияда божхона мақсадлари учун зарур бўлган асосий маълумотлар баён этилиши лозим. Етишмаётган маълумотлар эса белгиланган муддатларда тақдим этилиши шарт.

Бундан кўзланган асосий мақсад тадбиркорларга божхона расмийлаштирувини амалга оширишда қулайлик яратиш, ҳомашёни четдан келтиришда божхона расмийлаштирувини енгиллаштириш ва соддалаштиришдан иборат. Бошқача айтганда, эндиликда товар мамлакатимиз ҳудудига кириб келмасдан аввал ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиси томонидан божхона постига электрон кўринишда юборилган бирламчи ҳужжатларга асосан божхона расмийлаштируви амалга оширилиши мумкин.

Маъмур қонун билан тадбиркорларга ўзига хос қулайлик ва енгилликлар жорий қилинди. Жумладан, божхона ташувчисига қўйилган божхона назорати остидаги ташишларнинг ҳисобини юритиш ва бу тўғрисида божхона органларига тегишли ҳисобот тақдим этиши талаби ҳам бекор қилинди.

Янги қонун тадбиркор ва ишбилармонларнинг янада кенгрок фаолият юритиши учун имконият яратиш, уларнинг истиқболли назарий ва амалий жиҳатдан асослаб бериш, тадбиркорлар манфаатини ишончли ҳимоялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

А.ГАФФОРОВ
ёзиб олди

